



Самарқанд вилоят адлия

бошқармаси бошлиғи


С.Нуриев

» _____ 2022 йил

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси балансидаги 5 та
(Тойлоқ, Пастдарғом, Ургут, Каттақўрғон туман ДХМлари ва
Хизмат ўйи) биноларининг том қисмига ўрнатиладиган
умумий қуввати 50 кВт бўлган Қуёш панеллари станцияси учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Т/р	Асосий маълумотлар ва талаблар номи	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
1.	Лойиҳа номи	Умумий куввати 50 кВтли бўлган сетевой қуёш электр станцияси сотиб олиш ва ўрнатиш.
2.	Ўрнатиш жойи	<p>1. Тойлоқ тумани, Чароғбон МФЙ, Абу Райҳон Беруний кўчаси 2-уйда жойлашган ДХМ биносининг том қисмига. (10 кВт)</p> <p>2. Пастдарғом тумани, Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчасида жойлашган ДХМ биносининг том қисмига. (15 кВт)</p> <p>3. Каттақўрғон тумани, Кадан МФЙ, 35-уйда жойлашган ДХМ биносининг том қисмига. (10 кВт)</p> <p>4. Ургут тумани, Дўстлик МФЙ, 54-уйда жойлашган ДХМ биносининг том қисмига. (10 кВт)</p> <p>5. Самарқанд шаҳар, Афросиёб маҳалласи, Маҳдуми Аъзам кўчасида жойлашган Хизмат уйи биносининг том қисмига. (5 кВт)</p>
3.	Қуёш фотоэлектр станциясини ўрнатиш юзасидан асослар	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги "Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи, технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ(-4422-сон қарори);</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги "Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида"ги ПФ-101-сон фармойиши;</p> <p>3. 2022 йил 10 июнь куни Президент Ш.Мирзиёев раислигида "Иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 48-сонли Баёни.</p>
4.	Лойиҳа мақсади	Қайта тикланувчи энергия манбалари (қуёш электр станцияси) ҳисобига қўшимча энергия олиш ва ишончли энергия таъминотини таъминлаш.
5.	Молиялаштириш манбаи	Самарқанд вилоят адлия бошқармаси ўз маблағлари ҳисобидан.
6.	Лойиҳанинг тахминий баҳоси	550 000 000,0 (Беш юз эллик миллион) сўм
7.	Янгилиги тўғрисида маълумотлар (асбоб-ускуна ишлаб чиқарилган, тайёрланган йили)	Ўрнатилиши режалаштирилган ҚЭС асбоб-ускуналарининг ишлаб чиқарилган йили 2022 йилдан олдин бўлмаган, илгари ишлатилмаган, қайта ишлаб чиқарилмаган, янги қуёш панеллари ва тегишли асбоб-ускуналари бўлиши керак.
8.	Ишлаб чиқариш ва тайёрлаш босқичлари	ҚЭС асбоб ускуналарини ишлаб чиқарувчи томонидан лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уни буюртмачи билан мувофиқлаштириш.

9.	Объектнинг асосий техник-иқтисодий ва эксплуатация лўрсаткичлари	<p>Умумий қуввати 50 кВтли бўлган энерго самарадор қуёш электр станциясини ўрнатиш юзасидан асосий техник талаблар қуйидагиларни қамраб олиши керак:</p> <p>Қуёш панелига талаблар: Қуёш панели қуввати 450-550 Вт монокристал технология асосида ишлаб чиқилган бўлиши керак.</p> <p>Инверторларга талаблар: Инверторнинг номинал қуввати 5/10/15/кВт, 380В. Ишлаб чиқарувчи томонидан камида 3-йил кафолат муддати берилиш лозим. Инвертор Қуёш станцияси томонидан ишлаб чиқарилаётган ва эҳтиёждан ортиқча қисмини худудий электр тармоқларига узатиш жараёнини тўлиқ автоматлаштирилган онлайн мониторинг тизимига ега бўлиши лозим. Инвертор жажоннинг энг сифатли брендлари ABB, SMA, HUAWEI томонидан ишлаб чиқарилган бўлиши шарт.</p> <p>Металлоконструкция: Металлоконструкция коррозияга чидамли металл ёки алюмин асосида ишлаб чиқарилган бўлиши керак. Етказиб берувчи корхонага қўйиладиган талаблар: Қуёш станциясини қурилиш-монтаж ишларини топширган бўлиши керак: -Юқори талабларга мос Қуёш станциясини 30 кун муддатда буюртмачи манзилига етказиб, бериши лозим.</p>
10.	Таркибий қисмдар, бошланғич ва эксплуатация хом ашёси ва материалларига, шунингдек тайёр маҳсулотга қўйиладиган талаблар	Ишлаб чиқарувчининг тайёр маҳсулотлари, шунингдек унинг таркибий қисмлари, хом ашё ва фойдаланиладиган материаллари сифат ва тўлиқликда стандартлар ёки белгиланган талабларга мос келиши келиши керак.
11.	Объектга бериладиган кафолат ҳажми ва/ёки муддати бўйича талаблар	<p>ҚЭСга бериладиган кафолат ҳажми ва/ёки муддати бўйича талаблар ишлаб чиқарувчи корхона ёки етказиб берувчи томонидан қуйидагилар бажарилиши керак:</p> <p>-қуёш панеллари учун кафолат –ишлаб чиқарувчининг айби билан ишламай қолса, бепул 3 йил давомида ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи томонидан алмаштирилиши керак.</p> <p>-инвертер ускуналари учун кафолат -3 йил (хизмат муддати -15-20 йил).</p> <p>-монтаж ишлари учун кафолат –буюртмачи томонидан белгиланган муддатда ўз маблағингиз ҳисобидан алмаштирилмаган тақдирда фойдаланишга топширилган кундан бошлаб 3 йил бўлиши керак.</p>
12:	Объектга хизмат кўрсатишга талаблар	Бепул хизмат кўрсатиш хизмати – 3 йил бўлиши ва пудратчи томонидан буюртмачи ходимларига ҚЭСни фойдаланиш жараёнида хизмат кўрсатиш қўникмаларини шакллантириш юзасидан ўқув-тренинг машғулотлари ўтказилиши керак.
13.	Хавфсизлик талаблари	Маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси амалдаги хавфсизлик стандартлари ва талабларига жавоб бериши керак.

14.	Сифати ва таснифга доир талаблар	Етказиб берилётган маҳсулот сифати ва унга киритилган алоҳида компонентлар тегишли сертификатлар билан тасдиқланиши керак.
15.	Шеф-монтажга доир талаблар	Умумий қуввати 50 кВт бўлган ҚЭСни: 1. Тойлоқ тумани, Чарогбон МФЙ, Абу Райхон Беруний кўчаси 2-уйда жойлашган ДХМ биносининг том қисмига. (10 кВт) 2. Пастдарғом тумани, Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчасида жойлашган ДХМ биносининг том қисмига. (15 кВт) 3. Каттакўрғон тумани, Кадан МФЙ, 35-уйда жойлашган ДХМ биносининг том қисмига. (10 кВт) 4. Ургут тумани, Дўстлик МФЙ, 54-уйда жойлашган ДХМ биносининг том қисмига. (10 кВт) 5. Самарқанд шаҳар, Афросиёб маҳалласи, Махдуми Аъзам кўчасида жойлашган Хизмат уйи биносининг том қисмига. (5 кВт) ўрнатиш ва тайёр ҳолатда топшириш.
16.	Объектни ишга тушириш-созлашга доир талаблар	Ишларни бажариш далолатномаси расмийлаштирилиши керак.
17.	Бюртмачининг ходимларини ўқитиш бўйича талаблар	ҚЭСни ишлатиш юзасидан бюртмачи ходимларни ўқитишни амалга оширилиши керак.
18.	Лойиҳалаш ва монтаж жараёнида тажриба-конструкторлик ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш бўйича талаблар	ҚЭСни лойиҳалаш республикада мавжуд стандартлардан фойдаланилган ҳолда бажариш.
19.	Лойиҳани амалга ошириш муддати	2022 йилнинг декабрь 2023 йил январ ойларида

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари

 Ж. Зоҳидов

Ҳуқуқий хизматлар бўлими бошлиғи

 Х. Бобонов

Инсон ресурслари бўлими бошлиғи

 О. Мамаюсупов


Режалаштириш ва самарадорликни баҳолаш бўлими бошлиғи

 С. Мажидов

Ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бўлими бошлиғи

 М. Абдуғаниев

Молия иқтисод бўлими бошлиғи комиссия котиби

 Р. Махмудов